

Макроиктисодий кўрсаткичлар
(2018 йил январь-март)

	Млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	64958,0	105,1
Истеъмол нархлари индекси (2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)	x	104,9
Саноат маҳсулоти	44475,5	111,8
Истеъмол товарлари	13395,4	105,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) лари	5521,1	101,8
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	16826,6	129,4
Қурилиш ишлари	9259,5	112,2
Юк айланмаси (млн. т/км)	16165,0	100,8
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи/км)	29703,3	103,1
Чакана савдо товар айланмаси	27079,3	102,7
Хизматлар, жами	31910,1	108,0
Ташқи савдо айланмаси, (млн. АҚШ. долл) ¹⁾	7918,6	152,0
Экспорт	4084,0	159,0
Импорт	3834,6	145,2
Сальдо (+,–)	249,4	x

¹⁾ Давлат божхона қўмитасининг аниқлаштирилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда

I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь – мартида Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ҳажми жорий нархларда 64 958,0 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 5,1 % га ўсди. ЯИМ дефлятори индекси 2017 йилнинг январь – мартидаги нархларга нисбатан 137,4 % ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ 1 986 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,3 % га юқоридир.

Январь-март учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ ишлаб чиқариш

	<i>Млрд. сўм</i>		<i>2017 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида</i>	<i>ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси, %</i>
	<i>2017г.</i>	<i>2018г.</i>		
ЯИМ - жами	45 005,6	64 958,0	105,1	5,1
шу жумладан:				
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	39 359,8	54 450,6	105,0	4,4
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 536,2	3 430,4	101,8	0,1
саноат	11 456,0	18 927,0	105,0	1,3
қурилиш	2 920,0	4 139,0	112,2	0,8
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4 875,1	5 990,6	101,1	0,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	5 222,0	6 711,8	107,1	0,8
бошқа хизмат тармоқлари	12 350,5	15 251,8	104,6	1,3
Маҳсулотларга соф солиқлар	5 645,8	10 507,4	105,3	0,7

Иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (кейинги ўринларда ЯҚК) ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 83,8 % ини ташкил этди ва 5,0 % га ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 4,4 % пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 16,2 % ни ташкил этди ва 5,3 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,7 ф.п.).

ЯИМ ўсиш суръатига хизматлар соҳаси энг катта таъсир кўрсатди (2,2 ф.п.) ва бу соҳа ўтган йилнинг январь-мартига нисбатан 4,4 % га ўсди. Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1,1 % га, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 7,1 % га ва бошқа хизматлар - 4,6 % га ўсди.

Саноат тармоғининг қўшилган қийматида 5,0 % лик ўсиш қайд этилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМ мутлоқ ўсиш суръатига ижобий таъсири 1,3 ф.п. даражасида баҳоланди. Саноат тармоғидаги ўсиш тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғи қўшилган қийматининг 20,7 % га, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат тармоғи қўшилган қийматининг 1,8 % га ва бошқа саноат тармоқларининг 5,8 % га ўсиши ҳисобига таъминланди.


Январь-март учун
саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан % да)

	2016 й.	2017 й.	Физик ҳажм индекси, %
Саноат	100,0	100,0	105,0
<i>шу жумладан:</i>			
тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	16,8	25,8	120,7
ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати	70,9	65,5	101,8
саноатнинг бошқа тармоқлари	12,3	8,7	105,8

Кўп квартирالي турар жой бинолари қурилиши, шунингдек саноатнинг базавий тармоқлари корхоналари қурилиши ва модернизацияси билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кенг кўламли ишлар натижасида қурилиш тармоғида 12,2 % га ўсиш қайд этилди. ЯИМ нинг мутлоқ ўсишида қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,8 ф.п. даражасида баҳоланди.


2018 йилнинг январь – марти яқунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ҳам 1,8 % даражасида ижобий ўсиш суръати кузатилди. Мазкур тармоқдаги ўсиш суръати ҳисобидан ЯИМ нинг 0,1 ф.п. ўсиши таъминланди.

2018 йилнинг январь-мартда ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси




Январь-март учун ЯИМ нинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан % ҳисобида)

2017 йил



2018 йил



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Ялпи қўшилган қиймат
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат
- Қурилиш
- Хизматлар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯИМ тармоқлари бўйича таркибидаги улуши 2017 йил январь – мартдаги 6,5 % дан 2018 йил январь – мартда 6,3 % гача камайди. Саноатнинг улуши 29,1 % дан 34,8 % га, қурилишнинг улуши 7,4 % дан 7,6 % га ошди.

Хизматлар соҳасининг ЯИМ тармоқлари бўйича таркибидаги улуши 2018 йилнинг январь – мартда 51,3 % ни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь – мартдагига (57,0 %) нисбатан 5,7 ф.п. га камайди.

2018 йилнинг январь – мартда мулкчилик шакллари бўйича ЯИМ умумий ҳажмининг 78,8 % иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 21,2 % давлат секторига тўғри келди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь – мартда **Қорақалпоғистон Республикаси** ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 2 294,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даври билан таққослаганда 5,8 % га ўсди. ЯҲМ нинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 102,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 3,5 %), саноат – 104,3 % (40,1 %), қурилиш – 119,1 % (8,8 %), хизматлар соҳаси – 104,8 % (47,6 %) каби ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 1 243,5 минг сўмни ташкил этди ва 4,3 % га ўсди.

Андижон вилояти бўйича ЯҲМ жорий нархларда 3 013,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 8,9 % га ўсди. Иқтисодий ўсиш қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 7,5 %), саноатда - 125,6 % (33,6 %), қурилишда – 103,7 % (5,9 %), хизматлар соҳасида – 104,4 % (53,0 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари натижасида таъминланди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 999,0 минг сўмни ташкил этди ва 7,1 % га ўсди.

Бухоро вилоятида ЯҲМ ҳажми 0,4 % га камайди ва 2 599,9 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг тармоқ таркибида ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 103,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 11,9 %), хизматлар соҳасида – 104,9 % (51,2 %) ни ташкил этди. Шу билан бирга, 2017 йилнинг мос даври билан таққослаганда саноатда – 97,9 % (28,6 %) ва қурилишда – 76,6 % (8,3 %) ҳажмларнинг камайиши кузатилди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 1,8 % га камайди ва 1 388,4 минг сўмни ташкил этди.

Жиззах вилоятида ЯҲМ 2,8 % га ўсди ва 1 233,3 млрд. сўмни ташкил этди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 100,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 15,2 %), қурилишда – 100,4 % (11,1 %), хизматлар соҳасида – 105,3 % (54,4 %) га етди. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,8 % га камайиши кузатилди. Ушбу тармоқнинг ЯҲМ даги улуши 19,3 % ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 929,1 минг сўмга тенг бўлди ва 0,9 % га ўсди.

Қашқадарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти 5,1 % га ўсди ва 4 084,1 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг ўсиши ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Жумладан: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 100,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 6,8 %), саноатда – 107,0 % (45,9 %), қурилишда – 101,7 % (7,6 %), хизматлар соҳасида – 104,5 % ни

(39,7 %) ташкил қилди. Аҳоли жон бошига ЯХМ 3,1 % га ўсди ва 1 294,9 минг сўмни ташкил этди.

Навоий вилоятида ЯХМ ўсиши 3,2 % ни ташкил этди ва 3 859,9 млрд. сўмга етди. ЯХМ тармоқ таркибида ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 103,2 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 6,5 %), саноатда – 100,3 % (69,1 %), қурилишда – 112,0 % (4,2 %), хизматлар соҳасида – 108,1 % ни (20,2 %) ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 1,6 % га ўсди ва 4 022,0 минг сўмни ташкил этди.

Наманган вилоятида ЯХМ 2 121,3 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йилнинг мос даври маълумотларига нисбатан 4,0 % га кўпдир. ЯХМ даги ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 101,4 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 7,8 %), саноат – 101,5 % (19,4 %), қурилиш – 105,6 % (6,8 %) ва хизматлар соҳасидаги – 105,0 % (66,0 %) ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ЯХМ 2,2 % га ўсди ва 784,5 минг сўмни ташкил этди.

Самарқанд вилоятида ЯХМ ҳажми жорий нархларда 3 584,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 3,0 % га ўсди. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 102,0% (ЯХМ таркибидаги улуши – 10,2 %), қурилишда – 106,1 % (6,6 %), хизматлар соҳасида – 105,3 % (58,9 %) ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Саноат тармоғида эса, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 2017 йилнинг январь - мартига нисбатан 96,8 % ни ташкил этди (ушбу тармоқнинг ЯХМ таркибидаги улуши – 24,3 %). Аҳоли жон бошига ЯХМ 1,0 % га ўсди ва 961,9 минг сўмни ташкил этди.

Сурхондарё вилоятида ЯХМ 6,7 % га ўсди ва 2 245,1 млрд. сўмни ташкил этди. ЯХМ нинг ўсишига таъсир қилувчи омиллар бўлиб, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 102,4 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 23,2 %), саноатда – 141,5 % (12,2 %), хизматлар соҳасидаги – 104,6 % (57,2 %) ўсиш суръатлари хизмат қилди. Қурилишда эса бажарилган ишлар ҳажмининг 7,8 % га камайиши қайд этилди (ЯХМ таркибидаги улуши – 7,4 %). Аҳоли жон бошига ЯХМ 891,1 минг сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йилнинг мос даври маълумотларига нисбатан 4,5 % га кўпдир.

Сирдарё вилоятида ЯХМ 4,5 % га ўсди ва 1 019,3 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Хусусан, ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 100,9 % (ЯХМ таркибидаги улуши - 12,3 %), саноатда - 104,0 % (36,4 %), қурилишда – 106,1 % (6,1 %), хизматлар соҳасида – 105,4 % (45,2 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯХМ ҳажми 1 247,5 минг сўмни ташкил этди ва 2,9 % га ўсди.

Тошкент вилоятида ЯХМ 5 924,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 6,1 % га ўсди. ЯХМ нинг ўсиши ҳудуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Жумладан: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,2 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 10,0 %), саноатда – 106,2 % (51,7 %), қурилишда – 133,4 % (4,0 %), хизматлар соҳасида – 104,7 % (34,3 %) ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯХМ 4,9 % га ўсди ва 2 068,2 минг сўмни ташкил этди.

Фарғона вилоятида ЯХМ 3,9 % га ўсди ва 3 761,2 млрд. сўмни ташкил этди. ЯХМ нинг ўсиши ҳудуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари

билан боғлиқ. Ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 102,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 8,2 %), саноатда – 101,3 % (31,5 %), қурилишда – 111,8 % (6,5 %), хизматлар соҳасида – 104,7 % (53,8 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 1 037,4 минг сўмни ташкил этди ва 2,3 % га ўсди.

Хоразм вилоятида ЯҲМ 1 858,7 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йилнинг январь - мартига нисбатан 6,1 % га кўпдир. ЯҲМ нинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 100,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 12,8 %), саноат – 117,3 % (25,7 %), хизматлар соҳасидаги – 104,4 % (53,3 %) ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Қурилиш тармоғида эса, бажарилган ишлар ҳажмининг 1,8 % га камайиши қайд этилди (ушбу тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 8,2 %). Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 4,5 % га ўсди ва 1 028,3 минг сўмни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида ЯҲМ 10 502,3 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йилнинг январь - мартига нисбатан 7,2 % га юқоридир. ЯҲМ ўсишининг асосий омиллари бўлиб, саноат – 106,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 29,9 %), қурилиш – 110,6 % (7,8 %), хизматлар соҳасидаги – 107,1 % (62,3 %) ижобий ўсиш суръатлари ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 5,3 % га ўсди ва 4 251,3 минг сўмни ташкил этди.

2018 йил январь-марти учун ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот

	ЯИМ (ЯҲМ)		ЯИМ (ЯҲМ) аҳоли жон бошига	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>минг. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	64 958,0	105,1	1985,9	103,3
Қорақалпоғистон Республикаси	2 294,2	105,8	1 243,5	104,3
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	3 013,3	108,9	999,0	107,1
Бухоро	2 599,9	99,6	1 388,4	98,2
Жиззах	1 233,3	102,8	929,1	100,9
Қашқадарё	4 084,1	105,1	1 294,9	103,1
Навоий	3 859,9	103,2	4 022,0	101,6
Наманган	2 121,3	104,0	784,5	102,2
Самарқанд	3 584,8	103,0	961,9	101,0
Сурхондарё	2 245,1	106,7	891,1	104,5


1) Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда

	ЯИМ (ЯХМ)		ЯИМ (ЯХМ) аҳоли жон бошига	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>минг. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Сирдарё	1 019,3	104,5	1 247,5	102,9
Тошкент	5 924,3	106,1	2 068,2	104,9
Фарғона	3 761,2	103,9	1 037,4	102,3
Хоразм	1 858,7	106,1	1 028,3	104,5
Тошкент ш.	10 502,3	107,2	4 251,3	105,3

2018 йилнинг январь – марти яқунлари бўйича Андижон вилояти (108,9 %), Тошкент шаҳри (107,2 %), Сурхондарё (106,7 %), Хоразм (106,1 %) ва Тошкент (106,1 %) вилоятларида юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Жиззах (102,8 %), Самарқанд (103,0 %) ва Навоий (103,2 %) вилоятларида Республика даражасига (105,1 %) нисбатан паст ўсиш суръатлари кузатилди. Бухоро вилоятида ЯХМ ҳажмининг (2017 йил январь – мартга нисбатан 99,6 %) камайиши қайд этилди.

Республика бўйича ЯИМ нинг шаклланишида Тошкент шаҳри 16,2 % улуш билан энг катта ҳисса кўшди. Тошкент вилояти 9,1 % ва Қашқадарё вилояти 6,3 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Республика ЯИМ ни шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (1,6 %), Жиззах (1,9 %) ва Хоразм (2,9 %), вилоятларига тўғри келди.

2018 йилнинг январь-марти учун ЯИМ ни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки
(ЯИМ га нисбатан % ҳисобида)



2018 йилнинг январь – марти якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Сурхондарё вилоятида (23,2%), саноатнинг энг юқори улуши Навоий вилоятида (69,1%), қурилишнинг энг юқори улуши Жиззах вилоятида (11,1%), хизматлар соҳасининг энг юқори улуши эса, Наманган вилоятида (66,0%) кузатилмоқда.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида (3,5%), саноатнинг энг кам улуши Сурхондарё вилоятида (12,2%), қурилишнинг энг кам улуши Тошкент вилоятида (4,0%), хизматлар соҳасининг энг кам улуши эса, Навоий вилоятида (20,2%) қайд этилди.

2018 йил январь-март учун
ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан % да)

